



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ № 06-М15/057110000074**

Самарканд ш.

2022 йил “05” январ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи “Ўзагросуғурта” (АЖ) Самарканд шаҳар суғурта маркази (бундан кейин матнда «Суғурталовчи» деб юритилади), номидан 2021-йил 04-январдаги №05-06/4Ф-20СМ-сонли Ишончнома асосида биноан А.Х.Акрамов бир томондан, ўз Устав асосида иш юритувчи Самарканд Сув Таъминот МЧЖ бундан кейин матнда «Суғурта қилдирувчи» деб юритилади), номидан _____ иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур Суғурта шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарори асосида суғурта хизматини кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полиси амал қилиш муддатида суғурта ҳодисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида суғурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

Мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

3. СУҒУРТА ПУЛИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарорига белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-илоvasида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

4. СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда “Суғурта қоидалар” деб юритилади) 5-илоvasидаги суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори шартноманинг 1-илоvasида ва суғурта полисларида белгилаб қўйилди.

Жами суғурта мукофоти: 120 000,00 (Бир юз йигирма минг) сўмни ташкил этди.

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек суғурта қоидалари 4-илоvasига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.



4.4. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсининг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсининг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади (суғурта қоидаларининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига суғурта қоидаларида белгиланган суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт.

8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта

